

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Наманган муҳандислик-педагогика
институти**

Транспорт факультети

**Касб таълими (Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг
эксплуатацияси) кафедраси**

**«Автосервис корхоналарини ишлаб чиқариш техник базаси» фанидан
2550 та газ балонли автомобилларни ёнилғи билан таъминлаш тизимида
ТХК ва Т устахонасини ташкил этиш мавзусида бажарган курс
лойиҳасини**

ТУШУНТИРУВ ЁЗУВИ

Бажарди: 24-КТТВИТ-10 гуруҳ талабаси
Узоқов Жамшид

Рахбар: асс. Д.Шодмонов

Химояга рухсат етилган:
Имзо _____ Сана _____

_____ баҳога химоя қилди

Хайъат аъзолари: доц. А.Полвонов
асс. Ж.Маннонов
асс. Д.Шодмонов

НАМАНГАН - 2014 й

Аннотация

Курс лойҳаси _____ бет тушинтириш ёзуви ва 3 варақ чизмадан иборат.

Ёзма ҳисобот 2 қисмдан иборат бўлиб, автосервис корхонасини технологик ҳисоби қисмида устхона қувватини ҳисоблаш, дастлабки маълумотлар, устхонанинг йиллик иш ҳажмини аниқлаш, ТХК ва Т бўйича йиллик иш ҳажмини иш турлари ва бажарилиш жойи бўйича тақсимлаш, ишлаб чиқариш ишчилар сонини ҳисоби, газли ёнилғи билан таъминлаш тизимида хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш устхонаси учун технологик жиҳозларни танлаш, газли ёнилғи билан таъминлаш тизимида хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш устхонаси майдонини ҳисоби берилган. Технологик қисмида газли ёнилғи билан таъминлаш тизимида ТХК устхонасидаги ишларни ташкил этиш, газли ёнилғи билан таъминлаш тизимида ТХК ишлари бўйича технологик харита тузиш, газли ёнилғи билан таъминлаш тизимида ТХК устхонасини тавсифи, автосервис корхонасини бош режасини режалаштириш, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар иборат.

Чизма қисми автосервис корхонасини бош режаси устхона режаси ва ТХК ва Т бўйича технологик харитадан иборат.

Мундарижа

Кириш

- 1.** Автосервис корхонасини технологик ҳисоби
- 1.1.** Устахона қувватини ҳисоблаш
- 1.2** Дастлабки маълумотлар
- 1.3** Устахонанинг йиллик иш ҳажмини аниқлаш
- 1.4** ТХК ва Т бўйича йиллик иш ҳажмини иш турлари ва бажарилиш жойи бўйича тақсимлаш
- 1.5** Ишлаб чиқариш ишчилар сонини ҳисоби
- 1.6** Газли ёнилғи билан таъминлаш тизимига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш устахонаси учун технологик жиҳозларни танлаш
- 1.7** Газли ёнилғи билан таъминлаш тизимига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш устахонаси майдонини ҳисоби
- 2** Технологик қисм
- 2.1** Газли ёнилғи билан таъминлаш тизимига ТХК устахонасидаги ишларни ташкил этиш
- 2.2** Газли ёнилғи билан таъминлаш тизимига ТХК ишлари бўйича технологик харита тузиш
- 2.3** Газли ёнилғи билан таъминлаш тизимига ТХК устахонасини тавсифи
- 2.4** Автосервис корхонасини бош режасини режалаштириш

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

Кириш

Ўзбекистон республикаси автомобил саноати кенг кўламда ривожланиб бормоқда. Республикамиз 1991 йилда мустақилликка эришгач, ўзининг автомобил заводига ва ўзининг автомобилларига эга бўлиш мақсадида Жнубий Кореянинг «DAEWOO» компанияси билан шартнома тузиб, Асака шаҳрида «UzDaewooAvto» қўшма корхонасин, Туркия давлати билан ҳамкорликда Самарқанд шаҳрида кичик сиғимли автобус ва юк автомобиллари ҳамда автомобил агрегатларини ишлаб чиқариш учун заводларни барпо эта бошлади.

Асака шаҳрида «UzDaewooAvto» заводининг қурилиши билан Ўзбекистон дунёдаги ўз автомобил саноатига эга бўлган 28-давлатга айланди.

«UzDaewooAvto» бу-марказий Осиёдаги биринчи автомобил ишлаб чиқариш компаниясидир. Завод жаҳон стандартлари талабларига жавоб берувчи ўта замонавий техника ва технология билан жиҳозланган бўлиб, ўрта синфли Нексия, кичик синфли Тико автомобиллари ва Дамас микроавтобуслари ишлаб чиқаришга мўлжалланган эди. Ҳозирги кунда автомобилларнинг тури Нексия-2, Ласетти ва Матиз кабилар билан бойиб бормоқда.

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси «Самкочавто» заводидан 1998 йилдан «Ўзотойўл» кичик туркумдаги автобуслар ва юк автомобиллари ишлаб чиқарилган бўлса, 2005 йилдан бошлаб Япониянинг UZUSU корпорацияси билан ҳамкорликда UZUSU автобуслари ишлаб чиқарилиб республикамиз шаҳар ва қишлоқларида эксплуатация қилинмоқда.

Халқ хўжалиги талабларини қондириш мақсадида қўшимча тарзда бошқа турдаги хорижда ишлаб чиқарилган замонавий автомобиллар келтирилиб, эксплуатация қилинмоқда. Тоғ-металлургия саноатида ўта оғир юк кўтарувчи автомобиллар, шаҳар транспортида катта сиғимга эга бўлган автобуслар ва енгил автомобиллар шулар жумласидандир.

Республикамизда авваламбор иқтисодий ва техник жиҳатдан мураккаб, четдан келтирилган ўзини оқламайдиган эҳтиёт қисмларни тайёрлашга қарор қилинди. Ҳозирда Нексия, Тико, Дамас, Матиз ва Ласетти автомобилларининг бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчи «Ўз Корам Ко», «Ўз-Донгжу Пэнит Компани», «Ўз-Тонг Ханг-Ко», Ўз-Данг Янг-Ко, қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда «Ўз Корам-Ко» қўшма корхонаси автомобилларни бампери ва асбоблар панелини, «Ўз-Тонг Ханг-Ко» автомобиллар ўриндиқларини, «Ўз-Донг Янг-Ко» автомобиллар салонларини ички безакларини буюмларини ишлаб чиқаради. «Ўз-Донгжу Пэнит Компани» қўшма корхонаси автомобил бўёқларини ишлаб чиқаради.

Бундан ташқари «Ўз-Сем Юнг-Ко» қўшма корхонаси Газли ёнилғи баклари ва қолип кавшарлаш учун зарур деталларни, «Ўз-Донг Вон-Ко» қўшма корхонаси овоз пасайтирувчи ва тутун чиқарадиган трубаларни ишлаб чиқаради.

Президентимиз И.А.Каримов **Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари** китобида келтирилганидек, республикамизда инқирозни олдини олиш учун кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришимиз керак деган эдилар. Шундан келиб чиқиб, автомобилларни бутловчи қисмларини ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш авваламбор валюта жамғармасини тежашга олиб келса, бир томондан автомобилларни ишлаб чиқариш таннархининг камайтириш имконини беради, иккинчи томондан ишчи ўринларини барпо этиш имкони туғилади. Автомобилларни бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар нафақат автомобил заводи учун балки, ички ва ташқи бозор учун ҳам эҳтиёт қисмларни етказиб беради[1].

Автомобил саноатининг ривожланиб бориш билан биргаликда, уларга хизмат кўрсатувчи корхоналар ва автомобиллар сервис станциялари реконструкция қилиш, техник қайта жиҳозлаш ҳамда янгиларини лойиҳалаш, автомобил саройларини техник соз ҳолатини таъминлаш, ишлаб чиқариш техник негизини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда. Натижада республикамизда замонавий аватомобилларга техник хизмат кўрсатувчи сервис корхоналари пайдо бўлмоқда, бу эса мавжуд автокорхоналарни ҳаракатланувчи таркибини янгилаш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш жараёнларини ривожлантириб, уларни такомиллаштириш кераклигини кўрсатади. Ҳозирги кунда мавжуд юк ва йўловчи ташишга мўлжалланган автотранспорт корхоналарини техник базаларига ўрнига енгил ва юк автомобилларига хизмат кўрсатиш корхоналари, яъни автосервислар кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Курс лойиҳасини бажаришдан мақсад мавжуд автосервис корхоналари фаолиятини таҳлил қилиб, ундаги камчиликларни бартараф қилиш, яъни автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш технологик жараёнларини ривожлантириш, ишчи постларни замонавий технологик жиҳозлар билан жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил қилиш, ТХК ва Т ишларида механизациялаштиришни ва автоматлаштиришни қўллашдан иборат. Бу ишларни амалга ошириш учун автомобилларга тротуар типдаги ёки автосервис корхоналарини ташкил этиш ва уларни такомиллаштириш иборат.

1.Автосервис корхонасини технологик ҳисоби

1.1.Устахона қувватини ҳисоблаш

Йўл четидаги автомобилларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш минтақаларини қуввати автомобилларни ҳаракатдан четга чиқиши, йўлдаги ҳаракат жадаллиги ва хизмат кўрсатиш стаационлари орасидаги масофага боғлиқ. Автомобилларни ҳаракатдан четга чиқиши кўп омилларга боғлиқ: автомобилларга хизмат кўрсатиш, жорий таъмирлаш, Газли ёнилғи қуйиш, дам олиш, овқатланиш ва бошқалар.

Наманган шаҳри Кичик туман атрофидаги автосервис шахобчасида автомобилларни инжекторли таъминлаш тизимига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш устахонасини такомиллаштириш учун дастлаб устахона қувватини асослаш лозим.

Устахонага бир кунда кирадиган автомобиллар сони қуйидаги формула билан аниқланади:

$$N_k = \frac{N_x \cdot P}{100},$$

бу ерда N_x – Кичик туман атрофидаги кўчалардан ўтадиган автомобилларнинг ҳаракатланиш жадаллиги, авт/кун;

P-ҳаракат жадаллигидан фоиз ҳисобидаги киришлар частотаси енгил автомобиллар учун 4...5.

Кичик туман атрофидаги кўчалардан ўтаётган енгил автомобилларнинг ҳаракатланиш жадаллиги кунига ўртача 2550 тани ташкил этади. Демак, устахонага бир кунда кирадиган автомобиллар сони:

$$N_k = \frac{2550 \cdot 4}{100} = 100 \text{ та автомобил}$$

Лойиҳаланаётган устахонага бир кунда 100 та автомобил кириши кўзда тутилади.

1.2. Дастлабки маълумотлар

Кичик туман атрофидаги автосервис шахобчасида автомобилларнинг инжекторли таъминлаш тизимига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш устахонасини лойиҳасини бажариш учун қуйидаги дастлабки маълумотлар қабул қилинади:

- 1.Устахонага бир кунда кирадиган автомобиллар сони, $N_k = 100$ та;
- 2.Устахонани бир йиллик иш кунлари, $D_{\text{иш}} = 305$ кун;
- 3.Алмашинувлар сони, $m = 1$;
- 4.Ўртача меҳнат ҳажми, $t_{\text{урт}} = 3,6$ о.-соат.

1.3.Устахонанинг йиллик иш ҳажмини аниқлаш

Устахонанинг ТХК ва Т ишлари бўйича йиллик иш ҳажмини аниқлаш ва йиллик иш ҳажмини иш турлари бўйича тақсимлаш. Булар натижасида автомобилни инжекторли таъминлаш тизимига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш устахонасидаги йиллик иш ҳажми аниқланади.

ТХК ва Т бўйича йиллик иш ҳажмини ҳисоби:

$$T_{\text{иш}} = N_k \cdot D_{\text{иш}} \cdot t_{\text{урт}},$$

бу ерда N_k – бир кунда устахонага кирувчи автомобиллар сони;

$D_{\text{иш}}$ -бир йиллик иш кунлари сони;

$t_{\text{урт}}$ -ТХК ва Т ни ўртача меҳнат сиғими, о.-с.

$$T_{\text{иш}} = 100 \cdot 305 \cdot 3,6 = 109800 \text{ о.-с.}$$

1.4. ТХК ва Т бўйича йиллик иш ҳажмини иш турлари ва бажарилиш жойи бўйича тақсимлаш

ТХК ва Т бўйича йиллик иш ҳажмини иш турлари ва бажарилиш жойи бўйича тақсимлашдан мақсад, автомобилларни инжекторли таъминлаш тизимига хизмат кўрсташ ва таъмирлаш иш ҳажмини аниқлашдан иборат. Йиллик иш ҳажмини иш турлари ва бажарилиш жойи бўйича тақсимоти 1.1-жадвалда келтирилган.

1.1-жадвал

ТХК ва Т ишларини йиллик ҳажмини иш турлари ва бажарилиш жойи бўйича тақсимоти

Т-р	Иш турлари	Иш ҳажми		
		Умумий	Постда	Устахонада

		Фоиз	О.-с.	Фоиз	О.-с.	Фоиз	О.-с.
1	Диагностика	6	6588	6	6588		
2	ТХК тўла ҳажмда	35	38430	35	38430		
3	Мойлаш	5	5490	5	5490		
4	Юриш қисмига хизмат кўрсатиш	10	10980	10	10980		
5	Тормоз тизимини созлаш	10	10980	10	10980		
6	Таъминлаш тизимига ХК	4	4392	2	2196	2	2196
7	Электр жиҳозларига ТХК ва Т	7	7686	3	3294	4	4392
8	Шиналарни таъмирлаш ва вулканизация	6	6588	2	2196	4	4392
9	Ғилоф алмаштириш ва тикувчилик	3	3294	1	1098	2	2196
10	Агрегат ва тармоқларни Т	14		6	6588	8	8784
	Жами:	100	109800	81	88938	19	20862

1.5. Ишлаб чиқариш ва ёрдамчи ишчилар сонини ҳисоби

Устахоналардаги ва бўлинмалардаги ишларни бажариш учун ишлаб чиқариш ишчиларини технологик зарур миқдори қуйидагича аниқланади

$$P_T = \frac{T_{\text{ту}}}{\Phi_H} = \frac{4392}{2070} = 2,1 \approx 2 \text{ киши}$$

Ишчиларнинг технологик зарур миқдори ТХК ва ЖТ бўйича кунлик ишлаб чиқариш дастурини таъминлайди. Φ_H ни қиймати нормал меҳнат шароитига эга бўлган ишлаб чиқариш шароити учун 2070 соат, зарарли шароит учун эса 1820 соат қабул қилинади.

Ишчиларнинг штатли миқдори қуйидагича аниқланади

$$P_{\text{шт}} = \frac{T_{\text{ту}}}{\Phi_{\text{шт}}} = \frac{4392}{1820} = 2,4 \approx 2 \text{ киши}$$

бу ерда Φ_H - бир йиллик номинал вақт фонди, соат

$\Phi_{\text{шт}}$ - бир йиллик ҳақиқий вақт фонди, соат

Ишчиларнинг штатли миқдори ТХК ва ЖТ бўйича йиллик ишлаб чиқариш дастурини бажаришни таъминлайди.

Ёрдамчи ишчилар сони асосий ишчилар сонидан 15-20% қабул қилинади, яъни:

$$P_E = P_T \cdot (0,15 - 0,20) = 0,2 \cdot 32 = 0,6 \text{ штат бирлиги}$$

Инженер-техник ходимлар сони асосий ишчилар сонидан 20-25% қабул қилинади, яъни;

$$P_H = P_m \cdot (0,20 - 0,25) = 2 \cdot 0,20 = 0,6 \text{ штат бирлиги}$$

1.6. Газли ёнилғи билан таъминлаш тизимига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш устахонаси учун технологик жиҳозларни танлаш

Технологик жиҳозларга стационар ва кўчма дастгоҳлар, стендлар, асбоблар, мосламалар ва ишлаб чиқариш инвентарлари ҳамда автотранспорт корхонасини ишлаб чиқариш жараёнини таъминловчи жиҳозлар киради.

Технологик жиҳозлар ишлаб чиқариш вазифасига кўра асосий жиҳозларга, йиғма, кўтариб-кўрувчи ва кўтариб-ташувчи, умумий вазифали ва омборхона жиҳозларига бўлинади. Жиҳозларни танлашда «Технологик жиҳозлар, махсуслаштирилган асбоблар қайдномаси» маълумотномасидан ва каталоглардан фойдаланилади. Руйхатда келтирилган жиҳозлар номланиши ўртача шароит учун келтирилган. Технологик жиҳозларни руйхати танлаб олингандан сўнг қўйидаги жадвалга киритилади.

I –ГБА га ТХК ва ЖТ пости; II - газ аппаратурасини таъмирлаш ва созлаш бўлими.

1 - мотор-тестер; 2 - газовой аппаратурасини сақлаш учун стеллаж; 3 – чилангарлик верстаги; 4 – Газ аппаратураларини текшириш ва созлаш учун кўчма қурилма; 5 – жиҳозлар учун таглик; 6 - газтаҳлиллагич; 7 – пармалаш дастгоҳи; 8 - стол; 9 –чиқиндилар қутиси; 10 – кум учун қути; 11 – ўт ўчиргич; 12 -; 13 - газ баллонларини ташиш учун арава; 14 –

1.2-жадвал

Таъминлаш тизимига хизмат кўрсатиш устахонаси учун технологик жиҳозлар руйхати

Т-р	Жиҳозлар номи	Габарит ўлчамлари, мм	Сони	Эгаллаган майдон, м ²
I. ГБА га ТХК ва ЖТ пости				
1	Мотор-тестер	800х600	1	0,48
2	Газовой аппаратурасини сақлаш учун стеллаж	700х1000	1	0,7
3	Чилангарлик верстаги	700х1600	1	1,12
4	Газ аппаратураларини текшириш ва созлаш учун кўчма қурилма	700х1500	1	1,05
5	Жиҳозлар учун таглик	900х1400	1	1,26
6	Газтаҳлиллагич	550х550	1	-
7	Пармалаш дастгоҳи	550х600	1	0,33
8	Стол	550х600	1	0,33
9	Чиқиндилар қутиси	700х900	1	0,63
10	Кум учун қути	700х700	1	0,49
11	Ўт ўчиргич	700х1150	1	0,805
12	Газобаллонли автомобил пости	1000х6200	1	6,2
13	Газ баллонларни ташиш учун арава	700х3000	1	2,1
14	Чилангар-таъмирчини кўчма пости	1000 х 2400	1	2,4
15	Кўтаргич		1	-
II. Газ аппаратурасини таъмирлаш бўлими				20
	Жами:			17,9

1.7. Газли ёнилғи билан таъминлаш тизимига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш устахонаси майдонини ҳисоби

Ишлаб чиқариш майдонларини қўйидаги усуллар ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

-аналитик усул-битта автомобилга, ҳар бир жиҳоз бирлигига ёки битта ишлаб чиқариш ишчисига тўғри келувчи майдон сифими бўйича;

-графикавий усул-режалаштирилган шакл бўйича, яъни қабул қилинган масштабда постлар чизилади ва танланган жиҳозлар автомобилларни тоифасига қараб, оралиқ масофаларни сақлаган ҳолда жойлаштириш орқали;

-графоаналитик усул-режалаштириш ва аналитик ҳисоблаш орқали. Устахоналар майдони жиҳозлар жойлашган майдон ва жойлаштириш зичлиги коэффициенти орқали ҳисобланади:

$$F_{ум} = K_{жм} \cdot \Sigma F_{жм} = 3,0 \cdot 17,9 = 53,7 \approx 54 \text{ м}^2$$

Аппаратларни таъмирлаш бўлими 20 м² жами майдон 74 м²

бу ерда К_ж-жиҳозларни жойлаштириш зичлиги:

$$\Sigma F_{ж-жиҳозларни режада эгаллаган майдонлари йиғиндиси, м}^2$$

2. Технологик қисм

2.1. Газли ёнилғи билан таъминлаш тизимига ТХК устахонасидаги ишларни ташкил этиш

Газ балонли автомобилларга ТХК ва таъмирлаш ишларини ташкил этиш

2.1-расмда газ балонли автомобилларга (ГБА) техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш технологик жараёнларини ташкил этиш шакли келтирилган.

ГБА га ҳамма турдаги ТХК ва таъмирлаш ишларини бажаришда автомобил назорат ўтказиш жойидан (НЎЖ) ўтиб газ-ёнилғи тизимини герметиклигини текшириш постига келади ва қониқарли натижа бўлганда ювиш, ундан сўнг автомобиллар турар жойига юборилади.

ГБА ни техник ҳолатига қараб ҳар хил техник бўлимлардан ўтади.

Режали 1-ТХК ёки 2-ТХК ўтказишда ҳамда ЖТ ишларини бажаришда (мойлаш, бўяш ишлари ва ишлаётган двигателда газ аппаратурасини созлаш ишларидан ташқари) ГБА 1-ТХК, 2-ТХК ёки ЖТ минтақасига юборилади, бу ерда кўрсатилган ишлар бажарилади. Ишлаётган двигателда газ аппаратурасини созлаш ишлари диагностика минтақасида бажарилади.

Газ жиҳозларини жорий таъмирлаш ва уларга ТХК газ жиҳозларига ТХК ва ЖТ махсулаштирилган устахоналарида ва газ аппаратурасини таъмирлаш бўлимида бажарилади..

Босим остида келган газ балонларидаги газ балонлардан чиқариб юбрилади ва балонлар газсизлантирилади ва ЖТ минтақасига ўтади.

Газ балонлари ва уларнинг арматурасини герметиклигига боғлиқ бўлмаган бузуқликлардан бошқа носозликлар аниқланганда ГБА НЎЖ да герметикликка текширгандан сўнг газ жиҳозларига ТХК ва ЖТ бўлимига ўтказилади.

ТХК ва ЖТ бўлимида ечиб олинган газ жиҳозларидан газ аппаратураси олиниб газ аппаратларини ЖТ бўлимига юборилади ва таъмирлангандан сўнг ТХК ва ЖТ бўлимида автомобилга ўрнатилади.

Автомобилдан ечиб олмай ЖТ газ аппаратуралари сарф вентиллари берк ҳолда ЖТ минтақасида амалга оширилади.

Пайвандлаш ва бўяш ишларида газ жиҳозларини ҳолатидан қатъий назар ГБА ни газ балонидаги газ чиқариб юбрилади ва балон газсизлантирилади, сўнг пайвандлаш ёки бўяш бўлимларига ўтказилади. Газ балонли автомобилларга тўла техник хизмат кўрсатилгандан ва жорий таъмирлангандан сўнг автомобиллар турар жойига ўтказилади (2.1-расм).



2.1-расм. Газ аппаратурали автқомбилларТХК ва ЖТни технологик шакли:

С – соз автомобилни ҳаракат йўналиши;

Р – Режадаги ТХКга автомобилни ҳаракат йўналиши;

ГН – газ аппаратураси носоз автомобилни ҳаракат йўналиши (қолган жиҳозлар соз);

АН - газ аппаратураси соз автомобилни ҳаракат йўналиши;

Н - газ аппаратураси ва бошқа жиҳозлари носо автомобилни ҳаракат йўналиши.

2.2. Газли ёнилғи билан таъминлаш тизимига ТХК ишлари бўйича технологик харита тузиш

Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва диагностикалашни қулай усулда ташкил қилиш учун ҳар хил технологик хариталар тузилади. Бундай технологик хариталар асосида техник хизмат кўрсатиш ишларининг ҳажми аниқланади ва ишни бажарувчиларга тақсимланади. Ихтиёрий технологик харита ишни бажарувчи ҳар бир ишчи учун қўлланма ҳамда техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини бажарилишини назорат қилувчи ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Технологик харита алоҳида хизмат кўрсатиш турига, агар хизмат кўрсатиш тури ичида бўлса, унинг элементлари бўйича тузилади. Технологик харита тузишда қўйидагилар кўзда тутилади:

- ишни бажариш жараёнида автомобилни ёки унинг агрегатларини ўрнатиши, қисмларга ажратиши, силжитишни қулайлигини;
- лозим бўлган кўтариш-ташиш жиҳозларини;
- юқори иш унумига эга бўлган технологик жиҳозлардан, асбоблардан ва мосламалардан фойдаланишни;
- ишчилар учун хавфсиз, қулай ва гигиеник талабларга жавоб берувчи шароит яратишни;
- ишни сифатини текшириш усуллари ва воситаларини.

Бажариладиган иш номлари ва алмашилишлардан қатъий технологик кетма-кетлик асосида ва буюриш маъносида кўрсатилиши керак.

Газ аппаратури автомобилиларга ТХК технологияси

Т/р	Ишлар номи	Иш разряди	Меҳнат сифими, о.-мин.
1	Автомобилни қабул қилиш, хизмат кўрсатишга тайёрлаш, ҳужжатларни расмийлаштириш ва эгасига топшириш	4	12.0
2	Газ балонлари ҳолатини ва қотирилганлигини текшириш	3	5.0
3	Вентилли қурилмани герметиклигини ва қотирганлигини текшириш ва шток резбаларини мойлаш	3	7.0
4	Газ ўтказгичларни ҳолатини ва қотирилганлигини текшириш	3	4.0
5	Буғлатгич, газ ўтказгичлар ва двигателни совутиш тизими қувур ўтказгичларини ҳолатини ва қотирилганлигини текшириш	3	3.0
6	Магистрал филтрни филтрловчи элементларига хизмат кўрсатиш	3	4.0
7	Газ редуктори ҳолатини текшириш ва созлаш	4	12.0
8	Редуктордан газни чиқариб юбориш	3	2.0
9	Дозалавочни қурилма ҳолатини ва ишлаш қобилиятини текшириш ва уларни созлаш	4	8.0
10	Электромагнит клапан герметиклигини ва ишлаш қобилиятини текшириш	4	5.0
11	Электр жиҳозлари, ёндириш тизими ҳолатини ва ишлаш қобилиятини текшириш	4	9.0
12	Газ тизими герметиклигини текшириш	3	6.0
13	Двигателни юргизиш ва салт юришда газ ва бензинда созлаш	4	7.0
14	ГОСТ Р 17.2.02.06-99 и ГОСТ 17.2.2.03. бўйича чиқинди газлар таркибидаги СО ва СН текшириш	4	12.0
	Жами	-	96.0

2.3. Автосервис корхонасини бош режасини режалаштириш

Автосервис корхонасини бош режаси СНИП-93-74 «Автомобилларга хизмат кўрсатиш бўйича корхоналар» талаблари асосида ишлаб чиқилди. Бош режа Наманган шаҳри Кичик туман атрофида жойлашган автосервис корхонасида карбюраторли таъминлаш тизимига хизмат кўрсатиш устахонасини жойлаштириш режалаштирилди. Бош режани умумий майдони қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$F = 10^{-6} (F_{3.пс} + F_{3.вс} + F_{оп}) \cdot K_3 = 10^{-6} (160 + 30 + 540) \cdot 1,78 = 0,1299 \text{ га}$$

бу ерда $\Phi_{3.пс}$ -ишлаб чиқариш ва омборхона қурилиши майдонлари, м²;

$\Phi_{3.вс}$ -ёрдамчи бинолар қурилиш майдони, м²;

Хулоса

Менга Наманган шаҳридаги Кичик туман атрофида 2550 та енгил газ балонли автомобилларни ёнилги билан таъминлаш тизимига хизмат курсатиш ва таъмирлаш устахонасини ташкил этиш мавзуси берилган. Мавзуни бажаришда автосервис корхоналарини ишлаб чиқариш техник базаси бўйича олган назарий билимлар ва курс ишини бажариш бўйича адабиётлардан фойдаланиб бажардим. Курс ишини бажаришда Наманган шаҳрида мавжуд устахоналарни айникса, инжекторли таъминлаш тизимига хизмат курсатиш ва таъмирлаш устахоналари фаолиятини ўрганиб чиқдим. Курс ишини бажаргандан сўнг автосервис корхоналарини ишлаб чиқариш техник базасини лойихалаш бўйича тўла тасаввурга эга бўлдим.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. I.A.Karimov Jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi, O'zbekiston sharoitida uni bartaraf etishning yo'llari va choralari
- 1.Г.М.Напольский, А.В.Путин. Автотранспорт корхоналарини қайта қуриш ва техник қайта жищозлаш: Ўқув қўлланма / ТАЙИ, 2004
2. Г.М.Напольский. Технологическое проектирование автотранспортнўх предприятий и станций технического обслуживания,- М.: Транспорт, 1985
3. В.П.Карташов. Развитие производственно-технической базў автотранспортнўх предприятий,-М.: Транспорт, 1991
4. Е.С.Кузнецов, И.П.Курников. Производственная база автомобильного транспорта. Состояние и преспективў,-М.:Транспорт, 1988
5. Avtomobillarni texnik ekspluatatsiyasi. Oliy o`quv yurtlari uchun darsli. Qayta ishlangan va to`ldirilgan 4-nashri. E.S.Kuznetsov, A.P.Boldin, V.M.Vlasov va boshqalar. Prof.Q.M.Siddiqnazarov tahriri ostida tarpjima qilingan. T.: VORIS, 2006
6. Hamroqulov O., Magdiev Sh. Avtomobillarni texnik ekspluatatsiyasi. T.: Toshkent, 2005
7. Mahmudov G`.N., Hamroqulov O.H. Avtomobillarni elektr va elektron jihozlari 1 va 2-qismlar. Jizzax, JizPI, 2007
8. Musajonov M.Z. Avtotransport tarmog`i korxonalarini texnologik loyihalash.T.: VORIS, 2006
9. Qulmuhamedov J.R. va boshqalar. Avtomobil va dvigatellarni ta`mirlash. T.: FAN, 2003